

# ТАҲЛИЛИЙ ТАВСИЯНОМА



№ 1 (14), 2010

Ўзбекча талқин

МУНДАРИЖА

Кириш

**1. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш салоҳияти**

**2. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлик омиллари ва ривожланиш муаммолари**

2.1. Пахта хомашёсидан фойдаланиш

2.2. Капиталдан фойдаланиш

2.3. Ташқи савдо операциялари

**3. Тўқимачилик саноатини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

3.1. Пахта хомашёсидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш

3.2. Юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг пахта хомашёсидан фойдаланишини кенгайтириш

3.3. Капиталдан фойдаланишни кенгайтириш

3.4. Тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантиришга қўмаклашиш

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Ўзбекистон, 1000294 Тошкент

Т. Шевченко кўчаси, 4

Тел.: +998 (71) 120-34-50,

120-61-67

Факс: +998 (71) 120-34-85

E-mail: policybrief@undp.org

Вебсайт: www.undp.uz

Мазкур таҳлилий тавсиянома Бирлашган миллатлар ташкоти тараққиёт дастурининг (БМТТД) Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан чоп этилиб у жорий сиёсат муҳокамаси доирасида муайян стратегик муқобиллик ёки ҳаракат йўналишини тарғиб этади. Сиёсий йўналишни белгилловчи шахслар, донорлик ҳамжамияти, мустақил таҳлилчилар ва ривожланиш соҳасида иш олиб бораётган бошқа манфаатдор томонлар ушбу ҳужжатнинг аудиторияси ҳисобланадилар. Ушбу таҳлилий тавсияномада билдирилган фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, уни БМТТД позицияси ёки сиёсати сифатида қабул қилиш ўринли эмас.

Муаллифлар жамоаси: Наумов Ю.В., Пугач И.Л., Юсупов Ю.Б.

## ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: РИВОЖЛАНИШ САЛОҲИЯТИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Таҳлилий шарҳ Ўзбекистон тўқимачилик тармоғининг ҳозирги ҳолати ва салоҳияти, рақобатбардошлик омиллари ҳамда ривожланиш муаммоларининг таҳлиliga бағишланган.

Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, соҳа ривожланишини чеклайдиган асосий омиллар корхоналарнинг сифатли хомашёдан мақбул нархларда фойдаланишдаги мураккабликлар, узоқ муддатли кредитларга хизмат кўрсатишнинг юқори қиймати, ташқи савдо операцияларини амалга оширишдаги қийинчиликлардан иборат экан.

Шунингдек, унда тўқимачилик саноатини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тақдим этилган.

Ушбу тавсияноманинг муаллифлари БМТТД нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва лойиҳаларнинг ходимларига, ва 2010 йилнинг 22 сентябрида ташкил этилган давра суҳбатида иштирок этган вазирлик ва идоралар, ва хусусий сектор вакилларига ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

## КИРИШ

Тўқимачилик саноати Ўзбекистон индустриясининг энг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида йигирилган ип, калава, хом ва тайёр матолар ишлаб чиқарилади. Трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари: кийим-кечак ва маиший буюмлар ишлаб чиқариш тараққий этилган. Ўзбекистон учун иқтисодийётнинг мазкур соҳасини ривожлантиришнинг муҳимлиги, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё (пахта, шойи, жун) базасининг мавжудлиги, шунингдек, тўқимачилик саноатининг нисбатан юқори меҳнат сиғимлиги билан боғлиқ. Бу эса бандлик ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби муаммолар ечимини топиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, қулай шароитлар бўлган тақдирда, тўқимачилик саноати ривожланиши жўшқин тавсифга эга бўлиши мумкин. Хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига қўшилган қийматнинг юқори даражада ўсиши юзага келади, натижада аҳоли, корхоналар ва давлатга келадиган даромад миқдори ошади, шунингдек, экспортнинг юқори ўсиш суръатлари ҳамда импорт (тайёр тикувчилик буюмлари) ҳажмининг қисқартирилиши таъминланади. Мамлакат ҳукумати яқин истиқболда пахта толасини қайта ишлашни уни ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоизигача етказиш вазифасини қўйгани бежиз эмас<sup>1</sup>.

1 Қ.: <http://gov.solutions.uz/ru/business/invest/90>.

Давлат тармоқни ривожлантириш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Бироқ, ушбу соҳада қатор жиддий муаммолар ҳануз учраб турибди. Мазкур муаммолар пахта толасини етарли даражада чуқур қайта ишланмаслиги билан, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулоти — матолар ва тикувчилик буюмларининг паст рақобатбардошлиги билан боғлиқ. Экспортнинг асосий маҳсулоти, аввалгидек, пахта толаси ва ипи ҳисобланади, бу эса ташқи бозорларга қўшилган қиймати паст бўлган маҳсулот етказиб берилмаётганини англатади.

Қайд этилган шарт-шароитлар маҳаллий тўқимачилик индустрияси рақобатбардошлигини нарх ва нархдан холи омилларининг таҳлил этилишини ҳамда уни оширишга қаратилган давлат сиёсати чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни долзарб қилиб қўяди.

Мазкур вазифани бажариш учун таҳлилий шарҳ муаллифлари қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаландилар:

- Тўқимачилик саноати экспертлари сўровининг натижалари («Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти, «Ўзпахтасаноат» ДАК, ташқи савдо компаниялар вакиллари, консалтинг тузилмалари вакиллари). Жами 12 киши суҳбатдан ўтди.
- Тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари сўровининг натижалари. Жами Тошкент, Тошкент вилояти ва Фарғона водийси бўйича 11 та тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг вакиллари суҳбатдан ўтди.
- ЎзР «Ўзбекенгилсаноат» ДАКдан олинган расмий статистик маълумотлар.
- Бошқа мамлакатлар тажрибасини умумлаштирувчи ва Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ҳолатини тавсифловчи аввал эълон қилинган рисоалар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2006 йилда БМТТД раҳбарлигида «*Тўқимачилик саноатининг муаммо ва истиқболлари*» таҳлилий шарҳи нашр этилган эди.

Мазкур ҳужжатда тармоқни ривожлантириш борасидаги асосий муаммолар таҳлил қилинган, жумладан: ўзбек тўқимачиларининг хомашёдан фойдаланишидаги чекловлар, тўқимачилик корхоналарининг юқори даражали солиқ юки, тола ва бошқа тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик даражасининг пастлиги каби. Ушбу муаммолардан аксарияти бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга, эътиборингизга тақдим этилаётган таҳлилий шарҳда кўрилаётган муаммоалар доираси кенгайтирилди. Хусусан, нафақат йиғирув корхоналари, балки тўқимачилик ва тикувчилик саноатларини хомашё билан таъминлаш муаммолари ўрганилди, шунингдек, тўқимачилик корхоналарига кредит бериш ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиш муаммолари тадқиқ этилди.

## 1. ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ САЛОҲИАТИ


Тўқимачилик саноати (Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий соҳалари таснифига мувофиқ, тўқимачилик ва тикувчилик тармоқларини ўз ичига олган) — **мамлакат иқтисодийнинг (жадал) ривожланаётган соҳасидир**. Қуйидаги маълумотлар бундан далолат беради:

- 2004 йилдан 2009 йилга қадар тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми долларда ифодаланганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, 1,5 баробар, тикувчилик саноатида — 2 баробар ўсган<sup>2</sup>. Таркибида тармоқ маҳсулотининг катта қисмини ишлаб чиқарувчи корхоналарни бирлаштирган ташкилот — «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари бўйича 2004–2009 йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ўсган<sup>3</sup>.

2 Бу жойда ва бундан кейин — ЎзР МБнинг ўртача йиллик курси бўйича.


3 Тадқиқот гуруҳи тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ҳажмларининг аниқ мутлақ кўрсаткичларини олиш имконига эга бўлмади, чунки Давлат статистика қўмитаси маълумотлари «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари билан жуда катта фарқ қилади. Муаллифларнинг фикрича, бунинг сабаби Давлат статистика қўмитаси ишлаб чиқариш бўйича статистик маълумотлар ҳисобини ОКОНХ кодлари асосида олиб боради. Шу билан бирга, корхона, тўқимачилик саноати ОКОНХ кодига эга бўла туриб, тўқимачиликдан бошқа бизнес билан ҳам шуғулланиши мумкин (тўқимачилик саноати ОКОНХ кодига эга бўлмаган корхоналар ҳам мазкур тармоқ маҳсулотини чиқариши мумкин). «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари фақатгина мазкур ташкилот таркибидаги корхоналар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва улар аъзолар сони ўзгаришига қараб ўзгаради. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, соҳанинг ривожланиш динамикаси, умуман олганда, ишончли ҳамда сўнгги 5 йил давомида соҳанинг барқарор ўсишини акс эттиради.

**1.1-расм. Тўқимачилик тармоғи корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, долларда (2004 йил — 100,0 фоиз)**




Манбалар: ЎзР Давлат статистика қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК.

**1.2-расм. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (2004 йил — 100,0 фоиз)**



Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК.

**1.3-расм. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари экспорти ва импорти (млн. АҚШ доллар)**



Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК.

- 2004 йилдан 2008 йилга қадар «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маҳсулоти экспортининг ҳажми 76,1 фоизга: 213,0 млн. АҚШ доллардан 375,3 млн. АҚШ долларгача ўсган<sup>4</sup>.

Айни вақтда, **тўқимачилик тармоғининг салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмайди:**

1. Тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қиймат ифодасида сўнгги 5 йил давомида ўсишига қарамай, **мазкур секторнинг иқтисодийдаги улуши 2–2,5 фоизни ташкил этди.** Бу ўз хомашё базасига эга мамлакат учун нисбатан паст кўрсаткич ҳисобланади.

2. Ўзбекистон тўқимачилик тармоғининг ўзига хос хусусияти, **соҳада тўқимачилик маҳсулотини бирламчи ишлаб чиқаришнинг устунлиги ва хомашёни қайта ишлаш даражасининг пастлиги ҳисобланади.**

Хомашёни чуқур қайта ишлаш кераклиги ва Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 5-ўринни эгалласа-да, мамлакатда 2005–2007 йилларда ишлаб чиқарилган пахта ҳажмининг атиги 20,4–21,5 фоизи сарфланган (пахта захираси бўйича маълумот йўқлиги сабабли, мазкур кўрсаткич пахта ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг экспорти ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланди)<sup>5</sup>. 2008 йилда мазкур рақам 39,6 фоизгача ўсди. 2009 йилда эса 28,2 фоизгача қисқарди. Бироқ, 2008–2009 йилларда экспортга сотилмаган пахта улушининг ўсишини истеъмол қилиш ҳажмларининг ўсиши билан ҳам, жаҳон иқтисодий инқирози туфайли пайдо бўлган захиралар ўсиши билан ҳам изоҳлаш мумкин<sup>6</sup>.

Ўзбекистон зиммасига умумжаҳон пахта истеъмоли ҳажмининг фақат 0,8 фоизи тўғри келади ва бу соҳани ривожлантириш учун жуда катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради<sup>7</sup>. Натижада, жаҳон пахта толаси ишлаб чиқаришида Ўзбекистоннинг улуши 4 фоизни ташкил этишига қарамасдан, жаҳон пахта ипи ишлаб чиқаришида унинг улуши 0,7 фоизлигича сақланмоқда<sup>8</sup>. Мато ва полотно, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришда Ўзбекистоннинг улуши бундан ҳам камдир, чунки мамлакатда ишлаб чиқариладиган ипларнинг атиги 50 фоизи ички истеъмол учун сарфланади<sup>9</sup>.

«Кўшилган қийматни ўстириш занжири»даги энг катта фарқ матолар ишлаб чиқаришида ўз аксини топган. Бунда, 2004 йилдан 2009 йилга қадар, ип газлама матолар ишлаб чиқариш 2,6 мартаба қисқарган бўлса, трикотаж матоси ишлаб чиқариш эса (нисбатан кам миқдорда кўшилган қиймат ўсишини ўз ичига олган) қайд этилган даврда 2,3 баробар ўсган (қ. 1.1-жадвал). Бу кўп жиҳатдан инвестицияларнинг катта қисми, асосан, нисбатан кам хатар ва анча кам миқдорда капитал сарфини талаб этадиган трикотаж матолар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Шундай экан, айнан тўқимачилик саноатини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши лозим ва бу эса тикувчилик саноатини ривожлантириш учун рағбат бўлиб ҳисобланади.

### 1.1-жадвал.

#### 2004–2009 йилларда ип газлама ва полотнолар ишлаб чиқариш

	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ип газлама ишлаб чиқариш, минг кв. м	346 169	258 347	176 048	158 638	126 103	130 783
Трикотаж полотноси ишлаб чиқариш, тн	6 170	7 260	8 454	10 437	11 387	14 566

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4 Давлат статистика қўмитасининг тўқимачилик корхоналари экспортига тааллуқли маълумотлари «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотларидан катта фарқ қилади ва таҳлилда қўлланилиши мумкин эмас. ДАК вакилларининг фикрича, уларнинг корхоналари улушига соҳа экспортининг тахминан 80 фоизи тўғри келади.

5 ЎзР Давлат статистика қўмитасининг пахта толасини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмлари ҳақидаги маълумотлари асосида ҳисобланган.

6 Муаллифлар жамоаси пахта толаси захираларининг ҳажми бўйича маълумот олишга муяссар бўлолмади.

7 United States Department of Agriculture, 2009 октябрь.

8 Куйидагилар асосида ҳисобланган: [http://www.apma.org.pk/Pak\\_Textile\\_Statistics/gpyarn.asp](http://www.apma.org.pk/Pak_Textile_Statistics/gpyarn.asp) ҳамда ЎзР Давстатқўм маълумотлари асосида.

9 ЎзР Давстатқўм ип матосини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмлари ҳақидаги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шунга қарамай, хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва тайёр буюмлар сотишни кўпайтириш орқали тўқимачилик саноатининг даромадларини анча ошириш мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, **тўқимачилик тармоғининг пахтадан ишлаб чиқариш занжирида тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини тикиш соҳаси энг катта қўшимча қиймат ўсишига эга бўлар экан.** Бунда, агар ички бозорда 1 кг пахта толасининг нархи 1,4 АҚШ долларга тенг бўлса, ундан тайёрланган тикувчилик буюмлари — ўрта ҳисобда тахминан 16 АҚШ долларни, трикотаж маҳсулоти эса — тахминан 5,4 АҚШ долларни ташкил этади.

3. Хомашёни қайта ишлаш даражасининг пастлиги натижасида, **Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспорти аҳамияти катта эмас.** Халқаро миқёсдаги таққослашлар ҳам бундан далолат беради. Агар 2008 йилда Ўзбекистон тўқимачилик саноати экспортининг ҳажми 0,4–0,5 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, Хитой 185,2 млрд. АҚШ доллар миқдорида тўқимачилик маҳсулоти экспорт қилган, Туркия — 23,6 млрд. доллар, Ҳиндистон — 22,4 млрд. доллар, Бангладеш эса — 12,1 млрд. доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилган.

Пахта толасининг (жаҳон бозоридаги савдо ҳажмининг 12,2 фоизи<sup>10</sup>) ва пахта ипининг (жаҳон бозоридаги савдонинг 10–15 фоизи<sup>11</sup>), яъни қўшилган қиймат улуши паст бўлган маҳсулотларнинг, жаҳонда етакчи экспортчиси бўлиб қолган Ўзбекистон бу орқали, моҳиятига кўра, бундан кўра қимматли маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имкониятидан ўзини маҳрум этади, модомики тайёр маҳсулотни сотиш мамлакатга экспорт тушумларини катта миқдорда ошириш имконини берган бўлар эди. Шунингдек, бундан кўра кўп ҳажмларда ўз матоларини, трикотаж ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш монанд маҳсулотлар импортини қисқартириш ҳисобига, хорижий валютани тежаш учун имконият яратиши мумкин эди.

Шунга қарамай, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ўз рақобат устунликларидан фойдаланиб ва қулай инвестиция иқлимни ташкил этган ҳолда, нисбатан қисқа муддат давомида тўқимачилик саноатининг сезиларли равишда ривожланишига эришиш мумкин. 1954–1983 йилларда Хитойда кийимларни купонли тақсимлаш тизими амал қилган эди. Бироқ, 1978 йилдан бошлаб ўтказилган кенг миқёсли ислохотлар кийимлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини анча ўстиришга ёрдам берди. Агар 1978 йилда Хитойдан кийимлар экспорти 0,7 млрд. АҚШ долларга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1985 йилда — 2,1, 1990 йилда — 6,8, 1995 йилда — 24,0, 2008 йилда — 185,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этган.

Бангладешда тайёр кийимлар экспортдан келадиган даромад 1980–81 йилларда 3,3 млн. АҚШ доллардан, 1991–92 йилларда 1,2 млрд. АҚШ долларгача ва 2008 йилда 12,1 млрд. АҚШ долларгача ўсди. Ҳиндистонда тўқимачилик саноати экспорти 1990/91 йилларда 5,1 млрд. АҚШ долларни, 1995/96 йилларда — 8,4 млрд. ва 2008 йилда — 22,4 млрд. ни ташкил этган. Туркия тўқимачилик саноати экспортининг ҳажми 1979 йилда 595 млн. АҚШ доллардан, 2008 йилда 23,6 млрд. АҚШ долларгача ўсди.

Мазкур мисоллар Ўзбекистонда тўқимачилик ва тикувчилик саноатини ривожлантириш учун жуда катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради. Ҳисоб китобларга кўра, пахта экспортининг 100 минг тоннага қисқартирилиши, бир вақтнинг ўзида, валюта тушимининг 140 млн. долларга қисқаришига (2008 йил нархларида) олиб келади.

Агар мазкур пахта ҳажми ва ундан тайёрланган ип мамлакат ичида қолдирилса, тахминан 400 млн. АҚШ доллар миқдорида мато ва полотнолар ишлаб чиқариш мумкин экан. Ушбу мато ва полотнонинг 50 фоизи экспорт қилиниб, 50 фоизи эса ички бозор учун қолдирилса, бу ҳолда 532,4 млн. АҚШ доллар миқдорида тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Модомики, тикувчилик ва трикотаж корхоналари ўз маҳсулотининг фақат 20 фоизини экспорт қилар экан (ҳозирги вақтда мавжуд бўлган нисбат), бу ҳолда уларнинг экспорт тушими 306,3 млн. АҚШ долларни ташкил этади.

Қолган (625,7 млн. долларлик) маҳсулот ички бозорда сотилади. Бу импортни тегишли суммага, демак, валюта харажатларини ҳам мазкур суммага қисқартириш учун имконият беради. Аслида эса, валюта маблағлари тежалиши қайд этилган 625,7 млн. доллардан юқори бўлади, чунки импорт кийим-кечаклар, ҳеч бўлмаганда, транспорт харажатлари ва божхона тўловлари ҳисобига, маҳаллий кийимлардан қимматдир.

10 United States Department of Agriculture, 2009 октябрь.

11 Куйидагилар асосида ҳисобланган: [http://www.apmta.org.pk/Pak\\_Textile\\_Statistics/cwecy.asp](http://www.apmta.org.pk/Pak_Textile_Statistics/cwecy.asp) ҳамда ЎзР Давстатқўм маълумотлари асосида.

1.2-жадвал.

Қўшимча 100 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ва ундан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришдан мамлакат валюта баланси ва давлат бюджети учун келадиган фойда ва йўқотишлар

	Моддий ифодаси	Пул қиймати-даги ифодаси, АҚШ доллар	Валюта баланси, АҚШ доллар	Бюджетга қўшимча тушимлар, АҚШ доллар	Изоҳ
<b>Пахта толаси</b>					
Пахта толасини сотиш ҳажми, кг	100 000 000	<b>140 000 000</b>	-140 000 000		
<b>Пахта ипи</b>					
Қардли ип, кг	44 000 000	110 000 000			Шартли равишда айланмадан 10,0 фоиз миқдорида: даромад солиғи, айланма солиғи, ҚҚС
Тарамли ип, кг	37 500 000	120 000 000			
<b>Жами ип ишлаб чиқариш</b>		<b>230 000 000</b>		23 000 000	
<b>Матолар ва полотно</b>					
Оқартирилган матолар, кв. м.	198 000 000	217 800 000			Шартли равишда айланмадан 10,0 фоиз миқдорида: даромад солиғи, айланма солиғи, ҚҚС
Бўялган полотно, кг	36 375 000	181 875 000			
Матолар ва полотно экспорти (50,0 фоиз)		199 837 500	+199 837 500		
Матолар ва полотно ички бозорга етказиш (50,0 фоиз)		199 837 500			
<b>Жами матолар ва полотно ишлаб чиқариш</b>		<b>399 675 000</b>		39 967 500	
<b>Тикувчилик ва трикотаж буюмлари</b>					
Тикувчилик буюмлари, дона	66 000 000	396 000 000			Шартли равишда айланмадан 10,0 фоиз миқдорида: даромад солиғи, айланма солиғи, ҚҚС
Трикотаж буюмлари, дона	90 937 500	136 406 250			
Тикувчилик ва трикотаж буюмлари экспорти, 20,0 фоиз		106 481 250	+106 481 250		
Тикувчилик ва трикотаж буюмларини ички бозорга етказиб бериш, 80,0 фоиз		425 925 000	+425 925 000		
<b>Жами тикувчилик ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш</b>		<b>532 406 250</b>		53 240 625	
<b>Натижа</b>					
Жами экспорт ҳажмлари ўзгариши			+166 318 750		
Импорт ўрнини босиш ҳисобига валютани тежаш			+425 925 000		
<b>Жами валюта балансининг ўзгариши ва бюджет тушумларининг ўсиши</b>			<b>+592 243 750</b>	<b>+116 208 125</b>	

Бундан ташқари, тайёр буюмлар ишлаб чиқарилгани боис, давлат бюджети мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларидан олинган солиқлар кўринишида маблағлар, шунингдек савдо ташкилотларидан солиқ тушимлари олади. Демак, қўшимча тушимларнинг умумий суммаси 166,5 млн.АҚШ долларни ташкил этар экан.

Шу билан бирга, қуйидагиларни ёдда тутиш талаб этилади:

А) Тикувчилик саноати ривожлангани сари, унинг ишлаб чиқариш ҳажмида экспортнинг улуши муқаррар ўсиб боради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг мазкур тармоғи экспорт тушимларининг асосий манбасига айланишга қодир.

Б) Тикувчилик, тўқимачилик ва трикотаж саноатининг ривожланиши аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига ёрдам беради.

В) Мамлакат ичида ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ўсиши аҳоли даромадларининг ўсишига ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожланишига ёрдам беради.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Олдинги бобда кўрсатилганидек, тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришда Ўзбекистон ўз салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланмаяпти. Матолар ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш ҳозирча етарли даражада ривожланмаган. Бундан ташқари, пахта толасидан калава ип тайёрлаш ҳажмини анча ошириш зарур.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари унинг рақобатбардошлигига бевосита боғлиқ. Шундай экан, тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг рақобатбардошлик омиллари ва мавжуд бўлган муаммоларини таҳлил этиш муҳимдир.

### 2.1. Пахта хомашёсидан фойдаланиш

Соҳани ривожлантиришга таъсир этадиган асосий омил — **корхоналарнинг сифатли хомашёдан қулай нархлар бўйича узлуксиз фойдаланишидир**. Бу соҳа корхоналари таннархининг тузилмасида хомашё улуши юқорилиги билан изоҳланади. Бунда, Ўзбекистон тўқимачилик саноати харажатлари тузилмасида хомашёга харажатларнинг улуши — 63,6 фоизни, ипак саноатида — 75,7 фоизни, тикувчилик трикотаж саноатида — 70,5 фоизни ташкил этади.<sup>12</sup>

Шунга қарамай, **пахта толасидан фойдаланиш** вақтида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қуйидаги муаммоларга дуч келадилар.

1. **Маҳаллий корхоналар учун пахта толасини жаҳон нархлари бўйича сотиб олиш зарурати**. Бу шу билан боғлиқки, ҳукумат қарорларига мувофиқ, маҳаллий корхоналар учун пахта толасининг нархи жаҳон (Ливерпуль пахта биржаси) нархларидан келиб чиқиб, фақат 15 фоиз чегирма билан белгиланади. Ушбу 15 фоиз ҳақиқатда тежалган транспорт харажатлари миқдорини ташкил этади. Агарда хорижлик харидор пахта толасини терминалдан мустақил равишда олиб кетса, у маҳаллий корхона билан деярли баравар нархда тўлайди. Шундай қилиб, ички бозорга ишлайдиган Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари бошқа мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчиларига нисбатан хомашё нархи бўйича рақобат устуворлигига деярли эга эмаслар<sup>13</sup>. Бундан ташқари, пахта толасини фьючерс (нархи аввалдан келишилган) шартномалари бўйича сотиб олиш имкониятининг йўқлиги жаҳон нархлари мунтазам тебраниб турадиган бир шароитда, йигирув корхоналари учун режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини мураккаблаштиради.

2. **Пахта толасини валютага сотиб олиш зарурати**. Амалдаги қоидаларга мувофиқ, барча ишлаб чиқарувчилар, жумладан ички бозор учун ишлайдиганлар ҳам пахта толасини фақатгина эркин айирбошланадиган валюта эвазига сотиб олишлари мумкин<sup>14</sup>.

<sup>12</sup> Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 сентябрдаги 1398-сонли Қарори қабул қилинишидан аввал, ип экспорт қилувчилар пахтани сотиб олиш вақтида киритилган ҚҚСни қайтариб олар эдилар. 2010 йил ҳосилдан бошлаб, улар мазкур имтиёздан маҳрум этилди.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ичидаги истеъмолчиларга пахта толасини сотишни такомиллаштириш ҳамда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 733-сонли ПҚ, 2007 йил 21 ноябрь.

Миллий валютани айирбошлашдаги жорий қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур чора ички бозорга мўлжалланган тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ўсишига тўсқинлик қилган муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, ип, мато ва бошқа ярим тайёр маҳсулотларнинг ҳаддан ташқари экспорт учун мўлжалланиши (хомашё сотиб олиш учун валюта тушимига эга бўлиш зарурати сабабли), мазкур хомашё турларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳамда бундан кўра юқори қўшилган қийматли маҳсулотни ишлаб чиқаришга имкон бермайди.

3. **Пахта толасига нолли ставка бўйича ҚҚС жорий этилиши.** Яқинда қабул қилинган қарорга кўра, республика пахтани қайта ишлаш корхоналарига ички бозорда сотиладиган пахта толаси, 2010 йил пахта ҳосилидан бошлаб, нолли ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилади<sup>15</sup>. Бу 2010 йил ҳосилидан бошлаб, ҚҚСнинг нолли ставкаси қўлланилганида, экспорт вақтида ҚҚС қайтарилмаслиги боис, ўз маҳсулотини экспорт қилувчи йигирув корхоналари учун пахта толасининг ички нархи 20 фоизга ўсишини билдиради. Шунга ўхшаш муаммолар пахта ипининг ички истеъмолчиларида ҳам вужудга келади — энди улар ҚҚСни тўлаш вақтида бундан аввал пахта толаси учун тўланган ҚҚСни чегириб ташлолмайдилар. Ипнинг таннархида пахта толасининг улуши 60–70 фоизни ташкил этишини ҳисобга олиб, мазкур хомашё нархининг ўсиши маҳаллий йигирув саноатчилари рақобатбардошлигининг кескин пасайишига олиб келади.

Пахта толасига нолли ставка бўйича ҚҚСни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинишидан аввал, корхоналар **ҚҚС бўйича ўзаро ҳисоблашиш мавжуд эмаслиги** муаммосига дуч келган эдилар. Яъни, нархининг таркибига ҚҚС кирган пахта толасини сотиб олиб, кейин эса ип ёки бошқа ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга сотиш вақтида, корхона аввал ҚҚСли толани сотиб олиб, ўз валюта маблағларини жалб қилиши, сўнг экспорт маҳсулотини сотиб, ҚҚСнинг ўрни қопланишини кутиши керак эди. Бунда шуни кўзда тутиш лозимки, пахта толаси учун ҚҚС тўлови хорижий валютада, қайтарилиши эса — миллий валютада амалга оширилиб, бу ҳам корхоналар харажатини кўпайтиради.

4. **Пахта толасининг керакли навлари ва турларини ажратиб қўйишнинг имкони йўқлиги.** Пахта терминалида йигирув корхоналари кўпинча керакли навдаги ва турдаги ҳамда етарли ҳажмдаги пахта толасини топа олмайдилар. Корхоналар мавжуд бўлган хомашёни харид қилишга ёки уни мамлакатнинг барча минтақаларида жойлашган бошқа терминаллардан қидиришга мажбурдирлар. Керакли нав ва тоифадаги пахта толасининг йўқлиги боис, ип ишлаб чиқарувчилар мавжуд хомашёдан фойдаланишга мажбурдирлар. Натижада, маҳсулотнинг сифати ёмонлашиб, ишлаб чиқариш харажатлари ўсади ва охир-оқибатда маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлиги пасаяди. Шунингдек, сертификатлаш вақтида пахта толаси навини ошириш ҳолатлари ҳам учраб туради. Харидорлар расман эълон қилинган пахта сифатига рози бўлмасдан лабораторияда мустақил тарзда таҳлил ўтказишлари мумкин, лекин бу уларга пахтани бундан кўра паст нархда сотиб олиш ҳуқуқини бермайди. Улар фақат сотиб олишлари ёки харид қилишдан воз кечишлари мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон йигирув саноатининг рақобатбардошлиги сотиш учун таклиф этилган пахта толасининг қўлланилаётган технологияга мос келмаслиги сабабли, пасаяди. Масалан, мамлакатда аксарият йигирув корхоналари пневмойигирув технологияси асосида ишлайди. Бундай усулда тайёрланган ипнинг жаҳон нархлари ҳалқали йигирув технологияси бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот нархидан юқоридир. Тегишлича, пневмойигирув корхоналарида, одатда, пахтанинг паст навларидан ип тайёрланиши керак. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пахтанинг тахминан 95 фоизи олий нав билан чиқарилади. Мувофиқ тарзда сифатли ип ишлаб чиқариш учун 4–6 тола нави аралашмасини тайёрлаш керак. Одатда, терминалларда катта ассортимент мавжуд бўлмайди, демак, тайёр маҳсулот керакли даражада сифатли чиқмайди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг пахта толасидан фойдаланиши чекланганлиги муаммоси 2005–2007 йилларда кескинлашиб, бунда ички бозордаги савдо ҳажми 2004 йилга нисбатан учдан бир қисмга пасайган. 2008–2009 йилларда экспорт ҳажми қисқарган. Лекин, пахта толаси захиралари бўйича маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли, унинг ички истеъмолнинг ўсишига қанчалик таъсир этганини айтиш мураккаб.

15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 сентябрдаги 1398-сонли «2010 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ.



## 2.1-жадвал. 2004–2009 йилларда пахта толаси ишлаб чиқариш, унинг экспорт ва импорти ҳажми

	2004	2005	2006	2007	2008	2009 <sup>A</sup>
Пахта толаси ишлаб чиқариш, тн	976 997	1 184 248	1 171 242	1 124 803	1 174 047	1 055 300
Пахта толаси экспорти, тн	662 200	938 198	932 548	882 626	709 600	757 560
Пахта толаси импорти, тн	745	241	3	89	51	м/й
<b>Пахта толаси ишлаб чиқариш ва унинг импорти ҳамда экспорти кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ</b>	<b>32,3%</b>	<b>20,8%</b>	<b>20,4%</b>	<b>21,5%</b>	<b>39,6%</b>	<b>28,2%</b>

А) 2009 йилда моддий кўринишдаги экспорт бўйича маълумотлар «Ўзбекистоннинг статистик шарҳи, 2009» тўпламида эълон қилинган пахта толасини пул қийматидаги экспорти ҳақидаги маълумотлардан, 2008 йилда пахтанинг ўртача нархидан ҳамда 2009/2008 ва 2008/2007 йиллардаги Cotton outlook индекслари асосида, нархнинг тўриллаш коэффициентидан келиб чиқиб ҳисобланган.

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Пахта ипи ва матолардан фойдаланишда** маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қуйидаги муаммоларга дуч келадилар.

1. **Ип ва матони ички бозорда жаҳон баҳоси ва ундан ҳам юқори нархларда валютага сотиш.** Валюта тушими келиши мақсадида, пахтадан ип, мато ва бошқа ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотларини валютага сотишга рухсат этилган бўлиб, бу ҳолат экспортга тенглаштирилади. Натижада, пахта ипи ва матолар ички бозорда жаҳон нархлари бўйича сотилади. Шу билан бирга, валютага сотиб олинмайдиган ип ва матолардан фақатгина экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиш лозим. Қайд этиш жоизки, ип ва матолар экспорти уларни мамлакат ичида валютага сотишга нисбатан камроқ муаммо туғдиради. Бу қуйидагиларга боғлиқ, яъни экспорт қилиш вақтида корхона божхона хизматидан ҳужжатларни дарҳол қайтариб олиши ва ҚҚС қайтарилишига даъвогар бўлиши мумкин; шу билан бирга, агарда у ип ёки матони мамлакат ичида валютага сотса — харидор етказиб берувчига сотиб олинган хомашёдан экспорт маҳсулотини ишлаб чиқариш учун фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Бунинг учун кўп вақт ва куч талаб этилади.

Агарда ип мамлакат ичида сўмга сотилса, ип ишлаб чиқарувчиси, экспорт қилиш вақтида у олиши мумкин булган ҚҚС нинг қайтарилишига (пахта толаси, электр энергияси ва ҳ.к.лар сотиб олишдан) даъвогар бўла олмайди. Бунинг устига, унинг ўзи олинган ҚҚС ҳамда ҳисобга олинган ҚҚС ўртасидаги фарқ кўринишидаги солиқни ҳам тўлаши керак. Бу мамлакат ичида нархнинг ошиб кетишига олиб келади ҳамда Ўзбекистонда ипни қайта ишлашнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Натижада, бундай ҳолатлар мамлакат ичида пахта ипи ва матоси экспортга нисбатан қиммат бўлган вазиятларни вужудга келишига сабаб бўлади.

## 2.2-жадвал. 2004–2009 йилларда пахта ипи ва матосини ишлаб чиқариш, уларнинг экспорт ва импорти ҳажми

	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Пахта ип ишлаб чиқариш, т	171 352,0	170 826,6	165 932,7	178 934,0	166 712,9	173 920,2 <sup>A</sup>
Пахта ип экспорти, т	65 754,6	69 587,2	81 645,2	101 004,1	82 888,7	115 338,4
Пахта ип импорти, т	14,9	1 030,0	834,0	755,2	450,8	193,7
<b>Маҳаллий корхоналарда қоладиган пахта ипи улуши</b>	<b>61,6%</b>	<b>59,9%</b>	<b>51,3%</b>	<b>44,0%</b>	<b>50,6%</b>	<b>33,8%</b>
Ип газлама матоси ишлаб чиқариш, минг кв. м	346 169	258 347	176 048	158 638	126 103	130 783
Ип газлама матоси экспорти, минг кв. м	96 671	69 973	74 674	78 026	72 699	64 575
Ип газлама импорти, минг кв. м	1 202	902	714	323	175	1005
<b>Ички ишлаб чиқариш учун қоладиган матонинг улуши</b>	<b>72,4%</b>	<b>73,3%</b>	<b>58,0%</b>	<b>51,0%</b>	<b>42,5%</b>	<b>51,4%</b>

А) Бир ипли калава.

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2. **Экспортни ҳаддан ташқари рағбатлантириш сабабли, сифатли ип ва матоларни сўмлардаги таклифи етарли эмаслиги.** Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг 80 фоизи ва ундан ортиғини экспорт қилувчи тўқимачилик корхоналари мулк солиғи тўловидан озод этилган, демак, мазкур имтиёзларни олиш учун улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини валютага сотишга мажбурдирлар<sup>16</sup>. Ички бозорда қоладиган ипнинг улуши 2004–2009 йилларда, импортни қўшган ва экспортни айирган ҳолда, уни ишлаб чиқариш ҳажмининг 61,6 фоизидан 33,8 фоизгача қисқарди. Бунда ип истемолчилари мазкур хомашё турини четдан олишга мажбурдирлар. Маҳаллий ишлаб чиқарилган ип газлама матоларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сотиш ҳажми деярли 3,7 баробар (!) камайди ва бу уларни ишлаб чиқарилишининг қисқартирилиши, шунингдек, ички бозорга етказиб бериладиган улушининг камайишига боғлиқ (ишлаб чиқариш ҳажмининг 72,4 фоизидан 51,4 фоизгача). Натижада, ички бозорда етарли миқдорда юқори сифатли пахта хомашёси қолмаяпти. Оқартирилган ва рангли матолар, айниқса кам ишлаб чиқарилмоқда.

Бироқ, қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1050-сонли Қарори қабул қилинганидан сўнг, тўқимачилик корхоналарида ярим тайёр маҳсулотлар экспортига муқобил бўлган тайёр матолар ҳамда тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш учун йўл очилди. Бунда имтиёзлар ҳатто ПҚ-733-сонли Қароридагига нисбатан ҳам кўпроқдир, чунки унга мувофиқ ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқарувчилари нафақат мулк солиғидан, балки фойда (даромад) солиғидан ҳам озод этилади. Шунингдек, мазкур имтиёзларни тақдим этиш муддати бир йилга кўп — 2012 йил 1 январгача. Бироқ, бунда шуни унутмаслик лозимки, йигирув корхоналари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишлари учун, катта миқдорда капитал қўйилмалар ҳамда вақт талаб этилади.

Шундай қилиб, **ички бозорга ишлайдиган Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари, минтақада пахта етиштирилишига қарамай, маҳаллий хомашё базасига эга бўлмаган мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари билан солиштирадиган бўлсак, хомашёдан фойдаланишда деярли ҳеч бир устунликка эга эмасдирлар.** *Бунинг устига, улар хомашёни сотиб олишда қўшимча қийинчиликларга дуч келадилар. Фикримизча, мазкур жиҳат тармоқ салоҳиятидан тўлиқ даражада фойдаланилмасликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.*

Бундай вазиятнинг асосий сабабларидан бири **пахта толаси экспортининг ҳамда ундан қўшилган қиймат улуши паст маҳсулот тайёрлашнинг ҳаддан зиёд рағбатлантирилишидадир.** Оқибатда, 2005–2007 йилларда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг фақат 20 фоизи ички бозорга жўнатиладиган эди. 2004 йилдан 2009 йилга қадар ишлаб чиқарилган пахта ип ва матоларни ички бозорда сотиш улуши анча қисқарди. Бу пахтани нисбатан чуқур қайта ишлайдиган корхоналар учун хомашё танқислиги муаммосини юзага келтиради.

## 2.2. Капиталдан фойдаланиш

Бир томонлама қарайдиган бўлса, тўқимачилик корхоналари учун капиталдан фойдаланиш анча енгиллаштирилган:

- хорижий инвесторлар учун кўп сонли имтиёзлар мавжуд;
- технологик асбоб-ускуналарни олиб кириш божхона тўловлари тўланмайди;
- тижорат банклари имтиёзли фоиз ставкалари бўйича кредитлар тақдим этади.

Лекин, бошқа томондан, тармоқ корхоналари қатор муаммоларга дуч келадилар.

1. **Ўзбекистон банкларида юқори капитал сиғимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун инвестицион (узоқ муддатли) кредитлар олишнинг бефойдалиги.** Амалдаги шартлар бўйича узоқ муддатли кредитлар олиш фойда келтирмайди. Бу кўплаб маҳаллий банклар томонидан **кредитларни тақдим этиш даврининг қисқалиги** (3 йилгача) ҳамда **фоиз ставкаларининг юқорилиги** (валютада 10 фоиздан юқори) билан боғлиқ.

Бундан ташқари, **валюта тушимининг мажбурий сотилиши** асосий қарзни эмас, балки кредит бўйича фоизлар суммасини қоплашга камаяди. Яъни, валютани ишлаб топиб, компания уни давлатга сотиши, сўнг қарзнинг асосий қисмини сўндириш учун қайта сотиб олиши шарт. Бу эса, валюта айирбошлаш билан боғлиқ мавжуд қийинчиликлар туфайли қарз бўйича хизмат кўрсатишнинг янада қимматлашишига олиб келади.

<sup>16</sup> 2007 йил 21 ноябрдаги 377-сонли ПҚга мувофиқ.

Тўқимачилик тармоғига киритиладиган инвестицион кредитлар миқдорининг ўсишига, шунингдек, амалдаги қоидаларда кўзда тутилган **тижорат банки кредит портфелида битта тармоққа ссудалар улушининг чекловлари** ҳам тўққинлик қилади. Ушбу муаммонинг ечимини топиш мақсадида тўқимачилик саноати бир эмас, учта тармоқ сифатида қаралади: биринчиси — ип ишлаб чиқариш, иккинчиси — мато ва полатно ишлаб чиқариш, учинчиси — тикувчилик саноати.

Ва ниҳоят, соҳани узоқ муддатли кредитлашнинг яна бир муаммоси мавжуд. **Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги** корхона учун қатор қийинчиликлар туғдиради. Булардан асосийси, пахта толасини сотиб олишда банк кафолатини олишнинг мураккаблигидир. Корхона айланма маблағларсиз ҳамда келгуси ишлаб чиқариш учун хомашёсиз қолади ва бу унинг молиявий аҳволини янада ёмонлаштиради. Ҳаттоки, корхона экспорт шартномасига ҳамда харидор томонидан очилган аккредитив ёки унинг банки кафолатига эга бўлса-да, корхона узоқ муддатли кредит бўйича муддати ўтказилган қарзга эга бўлса, Ўзбекистон банкида айланма маблағлар бўйича қисқа муддатли кредит ёки банк кафолатини ололмайди. Демак, бу корхона ўз молиявий аҳволини яхшилаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Кредитлаш бўйича фойдали шартларнинг мавжуд эмаслиги, асосан, катта капитал талаб этадиган тармоқ: йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестицияларга сезиларли таъсир кўрсатади. Шартли инвестицион лойиҳалар бўйича ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз.

**Йигирув ишлаб чиқариши.** Йилига 5000 тонна ип ишлаб чиқарадиган асбоб-ускунани сотиб олиш учун, тахминан 5 млн. АҚШ доллари керак. Йилига 10 фоизлик тўлов остида 3 йил муддатга кредит олинганида, ҳар йили фоиз сифатида 500 минг АҚШ долларини ҳамда асосий қарзни сўндириш сифатида 1666,7 минг АҚШ долларини тўлашга тўғри келади. Бу эса, кувватлар тўлиқ ишга туширилганида фоиз сифатида 0,1 АҚШ доллар/кг ип ва асосий қарзни сўндириш сифатида 0,33 АҚШ доллар/кг ни ташкил этади. Ипнинг ўртача нархи 2,2 АҚШ доллар/кг эканини ҳисобга олиб, кредитга хизмат кўрсатиш қиймати 19,5 фоизни ташкил этади. Яна шуни ҳам кўзда тутиш лозимки, мазкур рақам, оптимистик ҳисобланади. Чунки корхона тўлиқ кувватда ишлаши учун, баъзида бир неча йил талаб этилади, кредит хизмати учун фоизлар эса кредит тақдим этилган биринчи ойдан бошлаб олинади.

**Тўқимачилик ишлаб чиқариши.** 20 млн. кв. м оқартирилган мато ишлаб чиқариш учун тахминан 20 млн. АҚШ доллар миқдорида инвестиция талаб этилади.

Йилига 10 фоизлик тўлов остида 3 йил муддатга кредит олинса, ҳар йили фоиз сифатида 2 млн. АҚШ доллари ҳамда асосий қарзни сўндириш учун 6,67 млн. АҚШ доллари тўлашга тўғри келади. Корхона тўлиқ кувватда ишлаб бошлаганда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотишдан тушган тушим йилига тахминан 22 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Шундай қилиб, кредитга хизмат кўрсатиш қиймати 39,4 фоизга тенг бўлади<sup>17</sup>. Биринчи йили корхона тўлиқ кувватга чиқиш эҳтимоли камлигини ҳисобга олиб, кредитга хизмат кўрсатиш қиймати янада ўсади, демак, соҳага инвестиция киритишнинг ўзига тортувчанлиги камаяди.

Таққослаш учун: тикувчилик саноати учун кредитга хизмат кўрсатиш қиймати (3 йил муддатга кредит олинганида) тахминан 3 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўриб турибмизки, **Ўзбекистонда тўқимачилик саноати етарли даражада ривожланмаганлигининг асосий сабаби, инвестицион кредитларга хизмат кўрсатиш қийматининг юқори эканлигидадир.** Шу билан бирга, тўқувчилик соҳасининг ривожланиши, энг катта қўшилган қийматга эга ва у тикувчилик саноати ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, давлат томонидан тўқимачилик саноатига инвестициялар киритишни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирлар қабул қилмай туриб, тўқимачилик саноатининг мазкур тармоғи ва тикувчилик тармоғини муваффақиятли тарзда ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тикувчилик саноатига инвестициялар киритишни кенгайтириш учун, давлат томонидан бундай қўллаб-қувватлаш чоралари талаб этилмайди, бунга сабаб ушбу тармоқнинг нисбатан кам капитал сиғимлилигидир.

**2. Кредитни қайтариш учун йўналтириладиган тушим қисмининг солиққа тортилиши.** Матолардан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларгача даромад солиғидан озод этилган. Ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун эса бундай

<sup>17</sup> Қайд этамиз, кредит бериш муддатлари узайтирилганида хизмат кўрсатиш қиймати қисқартирилади: 5 йилгача — 27,3 фоиз, 7 йилгача — 22,1 фоиз, 10 йилгача — 18,2 фоиз.

имтиёз йўқ. Масалан, агар йигирув корхонаси асбоб-ускуналарни такомиллаштириш учун кредит олса, у солиққа тортиладиган базадан фақатгина ўрнатилган янги асбоб-ускунанинг амортизациясига тенг суммани чегириши мумкин бўлади. Бироқ, тижорат банклари, одатда, кредитларни уч йилдан ошмаган муддатга тақдим этадилар ва бу асбоб-ускунанинг ўзини қоплаш муддатидан ҳам камдир. Натижада, корхона банкка қайтариши керак бўлган маблағлар унинг солиққа тортиладиган даромади ҳисобланади. Мазкур муаммонинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда йигирув корхоналарининг ишлаб чиқаришнинг бундан кўра юқори босқичларига ўтиши, бундан-да юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариши рағбатлантирилмоқда. Модомики, улар дарҳол тайёр маҳсулот ишлаб чиқара олмайдилар, демак, ип ишлаб чиқаришдан олинган даромаддан банкка ҳам, давлатга ҳам тўлашга мажбурдирлар.

### 3. Асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари импортида божхона тўловлари.

Асбоб-ускуналар учун импорт қилинадиган эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловларидан озод бўлиш учун, асбоб-ускуналарни сотиб олиш шартномасида мазкур эҳтиёт қисмлар рўйхати кўрсатилган бўлиши шарт. Бироқ, корхона иш бошлаганидан бир неча йилдан сўнг қайси эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмлар талаб этилишини олдиндан билиши мумкин эмас. Бутловчи қисмларга ўртача божхона бож тўлови 10 фоизни, ҚҚС — 20 фоизни ташкил этади. Мазкур тўловлар олиб кириладиган бутловчи қисмларнинг қийматини сезиларли оширади ва маҳсулот таннархига киритилади.

4. **Асбоб-ускуналарни импорт қилишдаги бошқа қийинчиликлар** — импорт жараёнларидан ўтишнинг давомийлиги, божхона идораларидаги расмиятчиликлардир.

Баъзида биз бир контейнерда жуда кўп майда деталларни олиб кирамиз. Ҳар бир деталга ТИФТН кодини киритиш керак. Бу жуда ҳам машаққатлидир. Баъзи бир деталлар сертификациядан ўтиши шарт. Айрим сертификатлаштириш бўйича лабораториялар бизнинг шахримизда мавжуд эмас, шу боис Тошкентга юборишга тўғри келади. Бунга кўп вақт талаб этилади ва биз бутун контейнерни жўнатомаймиз.

*Тўқимачилик корхоналари ходимлари билан суҳбат материалларидан.*

Баъзида биз айрим эҳтиёт қисмлар ёки материалларни, шошилич равишда керак бўлганида, авиатранспорт орқали импорт қиламиз. Бу жуда ҳам кўп маблағ талаб этади. Бироқ, божхона ходимлари, ҳужжатларда арзимаган хатоларни кўриб, турли баҳоналар билан, товарни божхонадан ўтказмайдилар. Бундай хатолар давлатга ҳеч қандай зарар етказмайди. ДБК баъзи ҳолатларда сал юмшоқроқ бўлиши керак.

*Тўқимачилик корхоналари ходимлари билан суҳбат материалларидан.*

## 2.3. Ташқи савдо операциялари

Пахтадан тайёрланмаган матолар, фурнитура, ёрдамчи ва астарли материаллар тўқимачилик корхоналари томонидан, асосан, импорт қилинади. **Импорт қилиш вақтида** ишлаб чиқарувчилар қуйидаги муаммоларга дуч келадилар:

1. **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган қатор матоларга юқори даражадаги импорт божлари.** Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, синтетик толалардан тайёрланган матолар импорти (ТИФТН кодлари — 5512-5513) 30 фоизли божхона божи ҳамда 20 фоизли ҚҚСга тортилади. Бу матолар қийматини 56 фоизга оширади.

2. **Импорт операциялари қийматининг юқорилиги.** Жаҳон иқтисодий инқирози бошланиши билан Ўзбекистонда валюта айирбошлаш муаммоси чуқурлашди. Корхоналар бир неча ой давомида хомашё сотиб олиш учун маблағларини айирбошлай олмайдилар, натижада улар ички бозорда валютага импорт хомашёси ёки маҳсулотини сотиб олиб, тайёр, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқара олмайдилар.

**Экспорт** йўлидаги энг муҳим тўсиқлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин<sup>18</sup>:

1. **Экспорт шартномалари бўйича юз фоиз олдиндан тўлов талаби.** Шу сабабли, экспорт бўйича катта салоҳиятли шартномалар тузилмайди, чунки хорижий

<sup>18</sup> Корхоналар ва экспертларнинг сўрови натижалари, шунингдек, қ.: Таҳлилий маъруза: «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ҳамда божхона назорати самардорлигини ошириш». Иқтисодий таҳлиллар маркази, Тошкент, 2008.

харидорларни сотувчи томонидан битимнинг бундай қатъий шартларда қўйилиши кўпинча қониқтирмайди.

2. **Буюртмачи томонидан экспорт шартномаси учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги учун 100 фоизли жарима**, гарчи у пировардида тўланган бўлса-да.

3. **Экспортнинг мураккаблашган тадбирлари ва ҚҚС қайтарилишининг узайтирилган муддатлари**<sup>19</sup>.

4. Экспортни рағбатлантирмайдиган, **сўмнинг оширилган расмий курси**.

5. **Экспортдан аввалги молиялаштириш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги**. Банклар экспорт шартномаси бўйича келгуси валюта тушуми остида кредитлар бермайди (гарчи харидор банки кафолати ёки аккредитив мавжуд бўлса ҳам). Мамлакатда банкларга факторинг, яъни шартномалар ва дебиторлик қарзлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқини бериш ҳам тараққий этмаган.

Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш ва тайёр маҳсулотни бозорларга олиб чиқиш вақтида **савдо тузилмаларига камситувчи муносабат** долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу, биринчи навбатда, тўқимачилик корхоналари учун зарур бўлган хомашё импортини қийинлаштиради. Амалдаги қоидаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш корхоналари (хомашё сифатида) ёки хусусий тадбиркорлар ўз эҳтиёжлари учун товарларни мамлакатга имтиёзли шартларда олиб киришлари мумкин. Бироқ, хусусий тадбиркорлар маҳсулотни улгуржи кўринишда қайта сотиш ҳуқуқига эга эмаслар. Улар маҳсулотни пировард истеъмолчиларга истеъмол товарлари сифатида сотишлари шарт.

2009 йил 20 августда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда 2009–2011 йилларда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган. Мазкур Қарорда божхона тўловларидан озод этилган хомашё ва материаллар ТИФТН кодларининг рўйхати белгиланган.

Бундай имтиёзлар фақатгина товар ишлаб чиқарувчилар учун қўлланилади. Бироқ, тикувчилик корхоналари кийимларнинг майда деталларини кичик партияларда импорт қилишдан манфаатдор эмаслар. Импорт қилиш вақтида фурнитуранинг ассортиментини таъминлай оладиган улгуржи тузилмалар эса, барча солиқ ва божларни тўлашлари шарт<sup>20</sup>.

Воситачилар ҳуқуқларининг чекланганлик муаммолари сабабли, тўқимачиларда тайёр маҳсулотни сотиш вақтида ҳам бир қатор муаммолар юзага келади. Ишлаб чиқариш корхонаси экспорт вақтида ҚҚС қайтарилишига даъвогар бўлиши мумкин. Экспорт билан шуғулланувчи савдо ёки бошқа ташкилотлар мазкур имтиёздан фойдалана олмайдилар. Бу савдо бизнесини ривожлантиришни рағбатлантирмайди. Модомики, савдо компаниялари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотларни экспорт қилишнинг локомотивларига айланишлари мумкин эди.

19 Хусусан, баъзи ҳолларда ҚҚС қайтарилмайди, гарчи корхонанинг бюджет олдида қарзи бўлса, ҳатто ушбу қарзларнинг миқдори қайтарилиши шарт бўлган суммадан кам бўлган тақдирда ҳам.

20 Улгуржи савдо фирмалари тўқимачилик фурнитурасини фақатгина уни маҳаллий кийим ишлаб чиқарувчиларига сотиш учун импорт қилишлари мутлақ равшан. Шундай экан, уларнинг камситилиши асоссиздир.

## 2. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон иқтисодийнинг давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар таклиф этилмоқда.

### 3.1. Пахта толасидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш

- **Товар-хомашё биржаси орқали пахта толаси савдосининг ривожланишига ҳар тарафлама кўмаклашиш.** Бу эса ўз навбатида, тўқимачилик корхоналарининг улар учун зарур бўлган сифатли хомашёдан керакли ҳажмда фойдаланишнинг ўсишига, хомашёни излаш ва танлаш ҳамда ички бозорни сифатли пахта толаси билан тўлдириш бўйича бизнес харажатларининг камайишига сабаб бўлади. Натижада, тармоқни янада ривожлантириш ҳамда пахта толасини нисбатан чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кенгайтириш учун кенг имкониятлар юзага келади. Хомашёни сотиш, биржа механизмини ривожлантиришни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш тавсия этилади.
- **Биржада пахта толасини миллий валютага сотиш.** Бунда гарчи толанинг нархи АҚШ долларидан қайд этилса-да, бироқ тўлов битимни тузиш санасида ЎЗР МБ томонидан белгиланган курс бўйича сўмларда амалга оширилиши лозим. Бу йигирув корхоналарининг хорижий валютага эҳтиёжларини камайтириб, тегишлича маҳсулотни ички бозорда сотишда уларнинг манфаатдорлигини оширади.
- **Товар-хомашё биржасида пахта толасининг минимал харид нархини «Ливерпуль биржаси минус 15 фоиз» миқдоридан «Ливерпуль биржаси минус 35–40 фоиз»гача пасайтириш<sup>21</sup>,** бунда 2010 йил ҳосилидан бошлаб, пахта толаси учун ҚҚСнинг нолли ставкаси жорий этилиши сабабли, тўқимачилик корхоналарининг зарарларини қоплаш заруратини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу билан бирга, сотилаётган пахта толаси учун битим нархи биржа воситачилари ўртасида очиқ кимовди савдоси йўли билан белгиланади. Бу эса, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йигирув корхоналари учун ресурсларнинг нисбатан паст қийматидаги рақобат устуворлигини яратиш учун имкон беради. Бунда шуни кўзда тутиш лозимки, таклиф этилаётган чегирмали нарх даражалари — биржа кимовди савдоларининг бошланғич нархларидир. Толанинг ҳақиқий сотиш нархлари бундан юқори бўлади.
- **Келгуси йил пахта толасини сотиб олиш учун биржа фьючерс шартномалари механизмнинг жорий этилиши.** Бу маҳаллий корхоналарга керакли нав/турдаги пахтани бронлаб қўйиш ҳамда ўз фаолиятини янада аниқ режалаштириш учун имкон беради. Фьючерс тизими маҳаллий тола истеъмолчиларининг аризалари асосида фаолият юритиши мумкин. «Пахта саноати» ва ташқи савдо компаниялари ўртасида бош келишувни имзолаш муддатидан олдинроқ, корхоналар пахта толасини сотиб олиш учун дастлабки талабномаларини бериб, унда талаб этиладиган сифат тавсифларини кўрсатишлари мумкин. Мазкур талабномалар, ҳозирги вақтдагидек, бош келишувда ҳамда пахтани ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг башорат балансини шакллантиришда ҳисобга олинади. Башорат балансида ички бозорда сотиш учун мўлжалланган толанинг маълум қисми фьючерс шартномалари таъминотини ташкил этади ва бу шартномалар тўқимачик корхоналари томонидан сотиб олиниши мумкин. Биржа воситачилари ҳамда биржада пахта фьючерсларини сотиб оладиган савдо ташкилотлари ва биржа воситачилари, агарда корхонада пахтани олдиндан сотиб олиш учун айланма маблағлари мавжуд бўлмаса, корхоналар учун керак бўлган пахтани захираловчи воситачилар ролини бажариши мумкин. Фьючерс харидори шартномани бозор нархи бўйича фақатгина РТХБ орқали қайта сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Ташқи савдо компаниялари учун пахта толасини хорижий валютага ички бозорга ва экспортга сотиш бўйича режанинг бўлинишини бекор қилиб, улар учун маҳсулотни моддий кўринишда сотишнинг ягона режа-ҳажминини ўрнатиш лозим.** Маҳаллий йигирув корхоналари ўзлари талаб этган даражадаги сифатга эга хомашёни биржа орқали сотиб ололмаган тақдирда, улар ташқи савдо компанияси билан пахта толасини валютага сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имкониятига эга бўлишлари

<sup>21</sup> Қонунчиликда пахта толасини сотиб олиш учун 5 фоизлик қўшимча чегирма кўзда тутилган, бироқ ҳозирги вақтда у амал қилмайди.

мумкин. Шу билан бирга, 2010 йил ҳосилидан бошлаб, пахта толасига ҚҚСнинг нолли ставкаси жорий этилганини ҳисобга олиб, ички истеъмолчиларга **Ливерпуль биржаси нархининг 35 фоизи миқдоридagi чегирмадан** фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш тавсия этилади. Бу Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларига пахта толасидан хорижий компанияларга нисбатан манфаатли нархлардан фойдаланиш имконини беради.

■ **Пахтани сотиб олиш ва қайта ишлаш тизимини ислоҳ қилиш.** Тўқимачилик саноати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига боғлиқ. Шу боис, марказлаштирилган харидлар ва пахтани тақсимлашдан эркин пахта бозорига қадам кўйиш жуда муҳимдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пахтачилик тармоғини эркинлаштириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг пахта ҳосилдорлиги ва сифатини кўтаришга рағбатларини оширади.

### **3.2. Юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг пахта хомашёсидан фойдаланишларини кенгайтириш**

■ **Тўқимачилик саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш.** Мазкур дастур мато ишлаб чиқарувчилар учун фақатгина солиқ имтиёзлари билан чекланиб қолмаслиги керак. У инвесторларга ишлаб чиқариш инфратузилмасини тақдим этиш, мамлакатда йирик ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишда, уларга молиявий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишни тартибга келтириши лозим. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш тикувчилик саноатини ривожлантириш учун кучли туртки бўлади ҳамда мазкур иқтисодиёт соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспортининг ўсишига кўмаклашади.

■ **Соҳанинг барча корхоналари учун мулк солиғини бекор қилиш**<sup>22</sup>. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ички бозорни сифатли ип, полотно ва ипли матолар билан тўлдиришни рағбатлантиради, чунки ушбу маҳсулотнинг ички бозорда сўмда амалга ошириладиган савдо учун етишмаслигининг асосий сабаби, корхоналарнинг мазкур маҳсулотлар экспорти учун мулк солиғи бўйича имтиёзлар олишга интилишлари ҳисобланади. Экспорт улушининг мазкур даражада пасайтирилиши бундай қарорнинг муқобил шакли бўлиб хизмат қилиши мумкин, сабаби бунда тўқимачилик корхоналари савдо ҳажмининг 80 дан 50 фоизигача мулк солиғидан озод этиладилар.

■ **Импорт қилиш вақтида имтиёзлар тақдим этиладиган ТИФТН кодлари рўйхатини кенгайтириш, унга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ёки кам миқдорда ишлаб чиқариладиган матолар ва фурнитуранинг бундан кўра кенгроқ ассортиментини киритиш.** Бу асосан, костюм, жинси, аралаш матоларга тааллуқлидир. Ҳозирги вақтда Вазирлар Маҳкамасининг 236-сонли «Тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда 2009–2011 йилларда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳаётга татбиқ этилиб, унга мувофиқ, матолар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун баъзи бир хомашё турлари божхона бож тўловидан озод этилади. Бироқ, мазкур рўйхатни унинг таркибига матолар, бўёқлар ва фурнитуранинг кенгроқ ассортиментини киритиш ҳисобига, янада кенгайтириш зарур. Агар кодлар қўйи гуруҳлар даражасида (ТИФТНнинг 4-белгисигача) белгиланса, имтиёз бундан кўра очиқроқ бўлиб, уни маъмурийлаштириш энгилроқ кечади.

■ **Бутловчи қисмлар, хомашё ва материаллар бўйича божхона бож тўловларидан нафақат ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни, балки барча импорт қилувчиларни ҳам, уларнинг фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар озод қилиш.** Бу мазкур маҳсулотнинг ички бозорини ривожлантиришга, шунингдек, хомашёдан фойдаланишда тўқимачилик корхоналари харажатларининг камайишига ёрдам беради.

■ **Ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган асбоб-ускуналарга, бутловчи қисмларга, шунингдек, тўқимачилик саноатида қўлланиладиган тайёр маҳсулот билан қайтариладиган хомашёга божхона тўловларини бекор қилиш.** Бу тўқимачилик корхоналарига бутловчи қисмлар ва хомашёнинг узлуксиз етказиб

<sup>22</sup> Ҳозирги вақтда мазкур имтиёздан тайёр истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда ўз маҳсулотининг камида 80 фоизини экспорт қилувчи корхоналар фойдаланадилар.

берилишини таъминлашга ҳамда фойдаланишнинг бутун даври давомида асбоб-ускуналарнинг ишончилигини оширишга ёрдам беради.

### 3.3. Капиталдан фойдаланишни кенгайтириш

- **Тўқимачилик корхоналари томонидан импорт қилинадиган хомашё, бутловчи қисмлар, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун мўлжалланган маблағлар бўйича валюта тушимининг мажбурий сотуви, шунингдек, хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш суммаларини бекор қилиш.** Бу корхоналарга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сифатли хомашё ва асбоб-ускуналарни кўпроқ етказиб бериш, валюта кредитларини ўз вақтида қайтариш, шунингдек, техник асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга оширишга кенг йўл очади.
- **Тўқимачилик корхоналарини модернизациялаштириш ва янги асбоб-ускуналарни сотиб олишни рағбатлантириш.** Банклар томонидан соҳа корхоналарига асбоб-ускуналар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар берилишини рағбатлантириш зарур. Бундай рағбатлантириш ишларини инвесторлар томонидан ушбу мақсадларга йўналтириладиган харажатларнинг бир қисмини давлат томонидан қоплаш йўли билан, масалан, узоқ муддатли кредитлар ёки лизинг бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини биргаликда молиялаштириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

### 3.4. Тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантиришга кўмаклашиш

- **Тўқимачилик маҳсулоти экспортини амалга ошираётган ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини солиққа тортишда ҳамда солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқларида тенглаштириш.** Биринчи навбатда, бу улгуржи савдо корхоналарига тааллуқли бўлиб, уларга маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилувчилар учун кўзда тутилган имтиёзлар тақдим этилиши шарт. Яъни, экспортга сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни сотиш вақтида ҚҚСни қайтариш керак. Бу соҳа корхоналари маҳсулоти экспортининг ўсишига ёрдам беради, сабаби кўп ҳолатларда, савдо ташкилотлари ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан, маҳаллий ва хорижий бозорларда сотилаётган маҳсулот маркетингини олиб бориш учун кўпроқ кўникма ҳамда каттароқ айланма маблағларга эгадирлар. Корхоналар эса, ўз ихтисослашуви таркибига кирмаган фаолият турлари бўйича харажатларни қисқартириш ҳисобига маблағларни тежайдилар. Мазкур таклифнинг амалга оширилиши, шунингдек, тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг айланиш тезлигини оширишга ҳамда унинг омбордаги захираларини қисқартиришга ёрдам беради. Давлат учун маҳсулот экспортини ким бажараётганининг — ишлаб чиқаришми ёки савдо корхонасими — фарқи йўқ. Валюта ҳар икки ҳолда ҳам мамлакатга келиб тушади.
- **Ўзбекистондаги тўқимачилик корхоналарига ўз маҳсулотини ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишда кўмаклашиш.** Мазкур вазифа, ҳукуматда соҳа манфаатларини ифода этиш ҳамда инвестицияларни жалб қилишдан ташқари, ўз таркибда тўқимачилик саноати корхоналарини бирлаштирувчи ташкилот тузиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК мана шундай ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, ахборот билан таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг олиб бориш, инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш каби хизматларнинг тақдим этилиши тадбиркорларни компания билан ишлашга жалб қилиши муқаррардир. Бизнинг фикримизча, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК Ташқи ишлар вазирлиги ва ТИАИС вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистонда яратилган инвестиция имкониятлари ҳамда соҳадаги салоҳиятли лойиҳаларни хорижда тақдим этиш бўйича ҳам бундан кўра фаолроқ ишларни амалга ошириши лозим.